

Андижон шаҳар
(шартнома тузилган жой)

“ 24 ” 01 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи **Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Ш.Хамдамова бир томондан ва бундан буён «ТАЪМИНОТЧИ» деб аталувчи “Зилол сўт иномлари” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Н.Усмонов бошқа томондан, ушбу шартноманини куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

4808152
11058800

1.1. Ушбу шартномага асосан «ТАЪМИНОТЧИ» куйидаги шартларга мувофиқ товарларни етказиб беришни “Буюртмачи” эса **товарларни** қабул қилади ва тўлайди.:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1	Сўт	литр	5240	4000	20960000
2	сметана	литр	200	8000	1600000
3	творог	кг	200	14000	2800000
4	Катик	литр	150	6000	900000
5	Сариёғ	кг	100	35000	3500000
6	Колипли нон 500 грам	дона	4735	1500	7102500
	ЖАМИ				36862500

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **36862500** (уттиз олти миллион саккиз юз олтимиш икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Газначилик булинмасидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги №241-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. «ТАЪМИНОТЧИ» аванс маблағлари Бажарувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «ТАЪМИНОТЧИ» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда «ТАЪМИНОТЧИ» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Бажарувчи ҳисобидан амалга оширилади. **Исьемолчи талабига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.**

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контракта кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Бажарувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Бажарувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Бажарувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Бажарувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида

етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Бажарувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон

“Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш; агар товарларни етказиб бериш жараёнида Бажарувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган қамчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар қолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар қолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатида риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари қамайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек Бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Бажарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Бажарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот Бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Бажарувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Бажарувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин Бажарувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Бажарувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Қелишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қандага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар қелишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўлиши

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг қўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига қўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Сотувчи	
"Зилол сут иномлари" МЧЖ Андижон туман Айрилиш шаҳарчаси Айрилиш кучаси №1 уй	
ХР	20208000400255601003
	СТИР 302703634
	МФО 00074
ТИФ Миллий банк Андижон	
Раҳбар	Н.Усмонов
Юрист	

Олувчи	
Андижон шаҳар мактабгача таълим булими Андижон шаҳар Пирмухаммедов №1	
Хр 100022860034017091100251056	
СТИР 305156119 ОКОНХ 92400	
Ўзбекистон Республикаси МВ Газначилик булими	
ХР 23402000300100001010	
Марказий банк ХККМ МФО : 00014	
ИНН 201122919	
Раҳбар	Ш.Хамдамова

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi.

Shartnoma.

2.Loyihaning nomi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risida to'g'ridan-to'g'ri shartnoma. Andijon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi bilan Andijon tuman, Ayrilish shaxarchasi, Ayrilish kuchasi №1 uy «Ta'minotchi» deb ataluvchi "Zilol sut inomlari " ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida, 22.04.2021-yildagi 684-sonli O'zbekiston Respublikasini "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 71-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-sonli O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 27-bandiga asosan to'g'ridan-to'g'ri 36862500 (o'ttiz olti million sakkiz yuz oltmish ikki ming besh yuz) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi.

Andijon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi. 19.01.2022- yil.

Asos: O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi 684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 71-moddasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-sonli O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 27-bandi, O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni.

Shartnoma loyihasini o'rganish yuzasidan,

XULOSA

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan moddiy oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.